

Qishloq Hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 116 (6.953). Sotuvda erkin narxda

Фарзандлари соғлом юрт қудратли эрур...



Мамлакатимизда болалар спортга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боисдан республикамизнинг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилиб, ёш авлод ихтиёрига берилмоқда. Мана шундай хайрли ишлар Буюр туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигида ҳам амалга оширилди. Хўжалик ҳудудидида 2 та спорт мажмуаси ишлаб турибди. Сўнгги 5 йил ичида маданиятлик 15 нафар ёш спортчилар республика, Осиё чемпионатларида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Жумладан, Мухайё Жўраева 2004 йилги ёшлар ўртасидаги самбо бўйича беллашуларда кумуш медал соҳиби бўлган бўлса, Умида Асадова ушбу беллашуларда бронза медалига сазовор бўлди. Эришляётган ютуқларда самбо бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони, ёшлар мураббийи Фатхулла Халимовнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: Мухайё Жўраева, Умида Асадова; Фатхулла Халимов машғул олди боксда.
Б.АКРАМОВ олган суратлар.

Ақл кўзи билан қаранг!

Буюк адиб Антон Чехов "Бир одамга бутун ер шарни керак!" деган эди. Бу гоёни улуг ёзувчи, албатта, ҳар бир одам нафс балосига учиб, кўзи очлик килсин, ҳамма ерни ўзимники қилиб олсам десин дея ўйлаб топган эмас. Бу фикрнинг замирида бутун ер юзининг гуллаб-яшнашидан ҳар бир одам манфаатдор, деган ҳикмат ётади.

Шу боис Чехов "Агар ҳар бир одам ўзига тегишли бир парча ерни обод қилса эди, бутун ер юзи гуллаб-яшнаб кетган бўлар эди", деб буни янада соддарок ифода қилади.

Қалам аҳли ҳаммаса она заминни гуллаб-яшнаши йўлида ижод қилади. Шайх Саъдий: **Барги дарахтони саба, Дар назари хушёр. Ҳар вараге дафтарист, Маърифати кирдикор,** яъни "Ақл кўзи билан қарасанг, яшил дарахларнинг ҳар бири яроғи илоҳий маърифат китобининг бир варағидир", дея ҳитоб қилганида, инсониятни катта, жуда катта қисми бир дон яроқнинг бир одам нафас олиши учун кифоя қиладиган қислоруд ишлаб чиқаришдан воқиф эмас эди.

... Бугун эса воқиф. Бироқ амалий фаолиятга келганда баъзан воқиф эмасдек, балки ундан баттар иш тутайди. Тожикистондаги Турсунзода шахрида жойлашган алюминий заводи мўриларидан бошимизга ёғдирилётган тоғ-тоғ заҳар-заҳқумларнинг микдорининг яна

икки баробар оширилиши кўзда тутиляётганини эшитиб хайратдан ёқа ушладим... Турғи, Турсунзода шахри кимгадир эзоқроқдир. Бирок, одамзод жаҳолатнинг, экологик офатларнинг масофаси бўлмайди. Бу офатлар, қаерда истикомат қиляётганидан катъий назар, ҳар бир кишининг, жумладан, ана шу балою офатни "ижод" қиляётганларнинг ҳам боши узра муаллақ турган ажал тошидир. Бевақф ажал тошидир. Бундай қорланса қорхонанинг шoir Мирзо Турсунзода номига қўйилган шахар номи билан боғлангани эса тақдирнинг аччиқ, жуда ҳам аччиқ ҳазили...

Равшанки, Орол талофати фақат шу минтақагагина зарар берди деб бўлмайди. Худди шунингдек, туғилмакка бу эгиз оғдат ҳам жуда катта регионин, кўп сонли аҳолини оғир аҳволга солади. Ажабо, одам одамга била туриб шундай қўл-яни "Ақл кўзи билан қарасанг, яшил дарахларнинг ҳар бири яроғи илоҳий маърифат китобининг бир варағидир", дея ҳитоб қилганида, инсониятни катта, жуда катта қисми бир дон яроқнинг бир одам нафас олиши учун кифоя қиладиган қислоруд ишлаб чиқаришдан воқиф эмас эди.

... Бугун эса воқиф. Бироқ амалий фаолиятга келганда баъзан воқиф эмасдек, балки ундан баттар иш тутайди. Тожикистондаги Турсунзода шахрида жойлашган алюминий заводи мўриларидан бошимизга ёғдирилётган тоғ-тоғ заҳар-заҳқумларнинг микдорининг яна

икки баробар оширилиши кўзда тутиляётганини эшитиб хайратдан ёқа ушладим... Турғи, Турсунзода шахри кимгадир эзоқроқдир. Бирок, одамзод жаҳолатнинг, экологик офатларнинг масофаси бўлмайди. Бу офатлар, қаерда истикомат қиляётганидан катъий назар, ҳар бир кишининг, жумладан, ана шу балою офатни "ижод" қиляётганларнинг ҳам боши узра муаллақ турган ажал тошидир. Бевақф ажал тошидир. Бундай қорланса қорхонанинг шoir Мирзо Турсунзода номига қўйилган шахар номи билан боғлангани эса тақдирнинг аччиқ, жуда ҳам аччиқ ҳазили...

Матназар АБДУЛҲАКИМ

Андижон воқеаларида бевосита иштирок этганликда гумон қилинган дастлабки 15 нафар шахс устидан суд бошланди. Қўтилганидек, ғарб матбуоти Ўзбекистонга нисбатан давом эттириляётган информацион хуружни авж паллага чиқарди. Қулгили жиҳати шундаки, бугун ахборот бозориди етакчилик қиляётган дунёнинг манаман деган нашрлари ҳам Андижон масалаларини ёритишда «қовун туширмоқда». Бу ҳолатни уларда бериляётган бўлмағур чиқишлардан ҳам билса бўлади.

Холис бўлолмадингиз

Хорижнинг ховлиқма журналистлари ҳақиқат қарор топаётган бир пайтда «нима десамикан» деб шовиб қолган тўрпадилар чоғи, эски пластинри шмасди. 700 нафарга

«187 та эмас, яқин одам ўлди», «тинч намойиш эди, қурол билан бостирилди» каби «лукма»ларни бот-бот такрорляйверишдан нима наф. Хўп, майли, тутуруксиз давьоларингизга ўзингиз ҳам ишонмасангизда, бу гаплар ўқувчи учун ангилма эмаслигини биласиз-ку. Мана тўрт ойдири, ҳар қуни шу гапларни такрорляйсиз. Шу билан гўё ўз бўҳтонларингизни исботлашга ҳаракат қиляпсизми?

(Давоми 2-бетда)

Президентнинг Қорақалпоғистонга сафари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 сентябр куни жойларда амалга ошириляётган ишлар, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ хўжалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасига таширф буорди.

Юртимиз бўйлаб пахта йиғим-терими авж паллага кирди. Бу йилги мавсумда Қорақалпоғистон Республикаси қарвонбошилик қилмоқда. Давлатга жорий йилда 185 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга бел боғлаган қорақалпоғистонлик миришкорлар шу кунгача давлат буюртмасининг қарийб 80 фоизини бажардилар. Нукус, Қўнғирот, Қанликўл, Тахтақўпир, Қораўзақ, Чимбой ва Кеғейли туманлари давлатга пахта сотиш режаларини муваффақият билан адо этди.

Президентимиз Кеғейли туманининг «Умид» фермер хўжалиги пахта далаларида бўлиб, пахтакорлар билан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириляётган ислоҳотларнинг самаралари, хусусан, Қорақалпоғистонда пахтачилик соҳасида эришиляётган ютуқлар ҳақида суҳбатлашди. Фермер Жуманиёз Пирназаров 53 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан илк те-

ривожлантириш истиқболларига қаратди. Бу ерда чорва учун зарур яйловлар мавжуд. Чорвачилик ривож янги иш жойлари очиб имконини беради, аҳоли фаровонлигини яхиллашда муҳим аҳамиятга эга.

Нукус тумани бу йил мавсумда пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини наинки Қорақалпоғистон Республикасиди, балки мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарди. Айни кунгача нукусликлар уйған ҳосил 125 фоиздан ошди.

Президентимиз ушбу туманининг пахтачиликда томчилаб сугориш жорий этилган Нуриддин Орифжўраев раҳбарлигидаги «Қорақалпоғистон» қорхонасига қарашли тажриба далаларида бўлди. Ушбу усулнинг самараси ўлароқ, бу ерда ҳосилдорлик гектаридан 70 центнерни ташкил этмоқда. Бу нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимизда юкори кўрсаткичлардандир. Давлатимиз раҳбари томчилаб сугориш усулининг қорақалпоқ шароити учун афзал жиҳатларини қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари атрофлича ўрганиб, зарур тавсия ва хулоса беришлари лозимлигига эътиборни қаратди.

Қорақалпоғистонликларнинг пахта етиштириш соҳасида эришяётган натижаларидан мамнуунимиз. - деди Юртбошимиз.

(Давоми 2-бетда)

Президентнинг Хоразм заминидидаги учрашувлари

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга ошириляётган ишлар, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ хўжалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 21-22 сентябр кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига таширф буорди.

Юртбошимиз сафарнинг биринчи куни Қорақалпоғистоннинг Кеғейли, Нукус туманларида бўлиб, у ерда илгор фермер хўжаликлари, пахтакорлар эришяётган ютуқларга муносиб баҳо берди. Президентимиз, шунингдек, Оролбўйида амалга ошириляётган бунёдкорлик ишлари, янги қуриляётган иншоотлар билан танишди. Жумладан, Нукус шахрида барпо этиляётган Маданият коллежи, яқинда фойдаланишга топширилган Болалар спорт саройи, Болалар аквапаркида бўлди. Хўжалигидаги 1-Меҳрибонлик уйида бажариляётган реконструкция ишлари билан танишиб, мутасаддиларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди. Меҳрибонлик уйига «СамКоча» заводида ишлаб чиқарилган микроавтобус соғва қилди.

Шу куни Президент Ислам Каримов Хоразм вилоятига келди.

Мамлакатимиз тараққиётида ўзининг бой тарихи, бетакор маданий мероси, иқтисодий салоҳияти билан муҳим ўрин тутадиган Хоразм вилояти ҳозирги кунда сайёҳлик соҳасида ҳам етакчи мавқега эга.

«ЎзОлимхотол» Ўзбекистон-Германия қўшма қорхонаси муассислигидида ўрган шахрида «Хоразм Палас» меҳмонхонаси қад ростлади.

Давлатимиз раҳбари мазкур меҳмонхонада яратилган шарт-шароит билан танишар экан, туризм соҳаси тараққиётида қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади:

- Биз аввало халқро метёрлар асосида сайёҳлик маданиятини ривожлантиришимиз, хизмат кўрсатиш савиясини янада оширишимиз керак. Қўшма, Хоразмдек бой тарихга эга воҳага хорижлик сайёҳлар эътиборини қучайтириш

даркор, - деди Юртбошимиз. - Бу соҳани ривожлантириш учун малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Туризм тараққиёти ва мамлакатимизнинг бу борадаги имкониятлари ҳақида гапирар экан, Президентимиз Япония, Хитой, Жанубий Корея ва Европа давлатлари сайёҳларнинг мамлакатимизга қизиқиши тобора ортиб бораётганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрлари Хоразмда меҳмон бўлиб турган японлик фуқаролар билан мулоқотнинг чоғиди яққол исботини тоғди.

Сайёҳлар аввало тинч ва осуда жойларга интилядилар, - дейди японлик Ямагита Мийоки. - Биз Ўзбекистонга таширфли Хоразм воҳасидан бошладик. Одамлар юзидида очлик, самимият мени ўзига мафтун этди. Ўзбекистонга келиб азалий оғрунм ушладик. Шарқ ва Фарби бир-бирига боғлаб келган, мейморий обидалар, муқаддас қадимжоларга бой цивилизация бешикларидан бири бўлган қадимий юртингиз ҳар қандай кишини хайратга солиши шубҳасиз.

Шу куни Юртбошимиз ўрган шахри марказидан ўтган Шовот канал устидаги қайта реконструкция қилинган кўприкни бориб кўрди. XX асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган, хоразмликлар «қўшма кўприк» деб атаб келган ушбу иншоот икки баравар кенгайтирилди. Бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишган Президентимиз мутасаддиларга зарур тавсиялар берди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Сихат-саломатлик йилли-давлат дастури доирасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхиллаш юзасидан кўп ишлар қилинмоқда.

Буни сўнгги ойларда қўшма ўлкада бир неча замонавий тиббиёт муассасалари ишга туширилгани ҳам тасдиқляйди.

Президентимиз Хоразмга таширфнинг иккинчи кунини янгидан бунёд этилган Янгибозор туман марказий шифохонаси билан танишадиган бўлгани бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари мутахассислар билан суҳбатда бундай муассасалар, авваламбор, замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан ажрალიб туриши лозимлигига эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда)

Далани яшнатгим келади

Мустақиллик шарофати билан Касби туманидаги «Кенжа бобо Эгамбердиев» номили фермер хўжалигига раҳбар бўлдим, - дейди Қахрамон Кенжабоев. Бугунги кунда фермернинг тасарруфидидаги 126 гектар майдоннинг 46 гектарида гапла етиштирилди.

80 гектар майдонга чигит қадалди. Галладан ҳам, пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Даствлабки йили ҳар гектар майдондан йиғиштириб олинган дон 45 центнерни ташкил этди. Пахта ҳосилдорлиги ҳам 40 центнердан ошиб тушди. Ҳосил кўпайган сайин даромад ҳам ортиб борди. Бу йилги натижаларни қаранг. Галла ҳосилдорлиги 60 центнердан ошди. Пахта майдонининг ҳар гектаридан камиди 40 центнердан ошди. Ҳосил олиш режалаштирилган.

Фермер хўжалигида 40 гектар майдонда 8-10 фоизи микдоридан кам бўлмаяпти. Бу йилги мўлжалимиз 217 тонна эди. Бу марра аллақачон эгалланди. Қўриб турибсиз, хали пахта кўп. Пешона тери тўкиб етиштирилган ҳосилнинг бир мисқоли ҳам далада қолмайди.

(Давоми 2-бетда)

КАДРИЯТ

Истиқлол шарофати билан кўплаб миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Мана бир неча йилдири, ҳар баҳор юртимизни Наврўз байрами тантаналари ўз оғушига олади.

Меҳржон ҳам бир неча асрлик тарихга эга қадимий қадриятларимиздан бири. Таъкидлаш жоизки, Наврўз ва Меҳржон бир-бирини мантқиқий давом эттириб келади, яъни биринчиси уйғониш фасли - баҳорда, иккинчиси сарбаслақ фасл - кунда нишонланади.

Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган дастурда Меҳржон байрами ҳақида алоҳида қайд этилган эди.

Мазкур дастур иловасининг 90-бандида «Шукроналик ва мурувват гоьларининг ифода-

Ерда ҳикмат кўп

Билмадим, замоннинг зайли бўлганми, кўпчиликнинг ерга меҳри йўқ. Ер билан тиллашуолмайди. Мана ўзининг кенжамдан қиёс. Биласан, мошин ҳайдайди. Яхшигина пул талади. Лекин санаб берганга қуш тўғрийдими? Мундоқ ерга ҳам қайиш, биринг икки бўлади десам, «Ишляблмайман, гипиртонман» дейди.

«Э, барака топкур, гипиртонди давоси Мирзачўлнинг бир ботмонли кетмони бўлади», деб худонинг зорини қилдим. Йўқ, барибир, ўз билганидан қолмайди, - дея гурунғ беради сирдарёлик кекса дехқон Толиб ота. - Ешлар деяпман-у, қараб турсам катта-кўли кетмонган экан. Мана ноб-таноб ер деярли. Лекин ишла ишлаган ишляпти. Узини ҳам, ҳукуматни ҳам бойитяпти. Ишламаганники ётипти, шундоқ. Ерда ҳикмат кўп, муҳир бола. Ғиж-ғиж ха-зина. Хазина увол бўлиб ётса, ичиг ачийди-да, - дейди бабо куюниб.

Бизни тўйдирадиган ҳам, кийинтирадиган ҳам аслида шу ер. Хўш, Сирдарё вилотида юртимиз аҳолисининг асосий даромади ҳисобланган замин имкониятларидан қай йўсинда фойдаланиляпти? Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун қандай чора-тадбирлар белгиланган? Биз яқинда Сир соҳилларида бўлиб, олиёт ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида вилоят бориляётган ишлар билан танишиб қайтдик.

Бугунги кунда вилоятда тўрт юз йигирма етти минг гектар ер майдонни бўлиб, шунинг икки юз тўқсон олти минг саккиз юз саксон тўрт гектари қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ҳисобига тўғри келади. Шундан 257 минг гектар ер вилоятда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари илкди.

(Давоми 3-бетда)

ТААССУФ

Банкда ҳисоб рақамини очгани, ҳам ашённи хариб қилиш бўйича пахта тозалаш қорхонаси билан контрактиция шартномаси тузган, аммо дехқончилик қилиш учун ихтиёрида бир қарич ҳам ери бўлган фермер хўжалиги ҳақида ҳеч эшитганимиз?

Йўқ, дейсизми? Бўлмаса қулук тутинг. -1989-2003 йиллар давоми-

Пишмаган ош

«Давлат бобо» фермер хўжалигининг 10,2 гектар ери қўйилгани, мажор фермер хўжалигининг 2004 йил 5 ноябрдаги арizasида асосан туман ҳокими у билан тузилган ер участкасини узок муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилгани.

(Давоми 2-бетда)

МАВСУМ

1,5 МИЛЛИОН ТОННА НАҚД

Мамлакатимизда пахта йиғим-терими тобора қизимоқда. 22 сентябрга қадар республикамиз бўйича жами 1 миллион 585 минг тоннадан зиёд "оқ олтин" йиғиб олинди, йиллик шартномавий режанинг 44 фоизи бажарилди.

Дастлабки, ҳисоб-китобларга қараганда, бу йилги мавсум тез ва ушқоқлик билан ўтаётди. Масалан, 2004 йилнинг айни кунги ҳолатига кўра, қабул масканларига келиб тушган пахта хомашиси 962 минг тоннани ташкил этган. Бу йиллик шартномавий режанинг 26,7 фоизи бажарилганини аниқлатади.

Кундалик маълумотларда келтирилишича, қарвоннинг бошида қорақалпоғистонлик пахтакорлар боришмоқда. Улар шу пайтгача давлатга 153 минг 375 тонна сифатли хомаше сотиб, елқаларидаги юмшунинг 82,9 фоизини бажардилар. Хоразмликлар эса доволнинг 62 фоизини босиб ўтдилар. Улар ҳозирлаган "оқ олтин" миқдори 170 минг 491 тоннадан ошиб кетди. Кейинги ўринларда Андижон, Сурхондарё, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари пахтакорлари боришаётди. Йиғим-теримнинг кунлик суръати бўйича ҳамон бухорликлар пешқадам. Улар кунига шартномавий режанинг 7 фоизи миқдорда хомаше йиғиштириб олишаётди.

Тошкент вилояти пахтакорлари қадими каттароқ ташламаса бўлмайди. Фурсат ганимат, вақт кутиб турмайди. Қолаверса, бугеги мезон. Одатда, мезонда ёмғирли кунлар ҳам бўлади. Демак, иш суръатини янада оширмоқ, қуёшли кунларнинг ҳар дамидан оқилонга фойдаланмоқ керак.

Республика "оқ олтин" хирмониغا Нукус тумани 1400 тонна, Қонликул - 4200 тонна, Тахтақўпр - 4050 тонна, Қораўзақ - 5250 тонна, Чимбой тумани 7350 тонна, Кегайли - 10950 тонна сифатли пахта тўкиби, муносиб улуш қўшилди. Мазкур туман пахтакорлари шартномавий режаларини бажарган бўлишсада, йиғим-терим суръатини пасайтиришгани йўқ.

Амударё, Элиқалъа, Хўжайли, Тўртқул туманлари ҳам марра чизигига яқинлашиб қолдилар.

Хидоят АХМЕДОВ



ЕРДА ҲИЖМАТ КЎП

(Боши 1-бетда) Умумий етиштирилган махсулотларнинг асосий фоизи улар ҳиссасига тўғри келмоқда. Муқдорларга 257 минг гектар ер майдони ажратиб берилган. Уста дехқонлар имкон қадар мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларни тиминис мекнат, агротехника қоидалари асосида минерал ўғитлар ва ўғитли меърида солиб яхшилаб бормоқда. Натихада экин майдонларидан олинатиш ҳосил салмоғи йил сайин ошиб бораётган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислотлар табиий ресурслардан, биринчи галда ердан оқилонга фойдаланишни тақозо этади. Аслида умумхалқ мулки бўлган ерни ҳимоялаш ва ундан фойдаланиш конституцион аҳамиятга эгадир, - дейди Сирдарё вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи Тошмуҳаммад Айтматов. - Чунончи, Бош Қомусимизнинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумий миллий бойликдир, ундан оқилонга фойдаланиш за-

рур, чунки улар давлат муҳофазасидир" дея таъкидланган. Чиндан ҳам ер бебаҳо, у гиж-гиж хазина. Фақатгина чўл шароитида ерни икки офат-шўрланиш ва эрозиядан муҳофаза этиш лозим. Акс ҳолда она замин ўзининг унумдорлик хусусиятини йўқотади ва яроқсиз бўлиб қолади. Ишдан чиққан ерни эпақага келтириш осон иш эмас. Ҳозирда шўр ҳамда эрозиядан зарар кўрган экин майдонларини кўпайтирмастик учун аниқ, қатъий чора-тадбирлар белгиланган.

Тошмуҳаммад Айтматовнинг эътирофи эитишча, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида ердан самарали фойдаланишни назорат қилиш мақсадида 127 марта текшириш ўтказилган. Текширишлар натижасида 616 гектар ер майдонида тўрт хил қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган. 80 нафар фуқаро 1299690 сўм миқдорда жаримага тортилди. Бундан ташқари аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида туман ҳокимликларига йигирма битта тақдимномалар киритилди. Хукуматнинг 2004 йил 24 декабр-

даги "2005-2007 йилларда фермер хўжалиқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан жорий йилнинг ўзида вилоятда зарар қўриб ишлаётган, ислотлар суръатини орқага тортатган йигирмата ширкат хўжалиғи тугатилди. Уларнинг ер-мулки асосида 563 дан ортик янги фермер хўжалиқлари вужудга келди. Қузатишлар шуни кўрсатдики, қаерда хўжалик юритиш тўғри йўлга қўйилиб, мулкчилик шакли ўзгарган бўлса, ўша ерда ривожланиш юз бермоқда. Ерни эҳтиётлаш, унинг унумдорлигини мунтазам равишда ошириб бориш масаласида ҳам шундай дейиш мумкин.

Кўпгина хорж мамлакатларида ҳосилдор тўпроқ давлатнинг миллий бойлиғи сифатида эъзозланади. Шу билан бирга, экин экиб келинган ер майдонига ҳовли-жой қурмоқчи бўлган киши, заминнинг унумдор қатламни сидириб олиб, дехқончилик далаларига элтиб бериши зарурлиғи қонунда белгилаб қўйилган. Бизнинг жаннатмакон юртимизда

канча экиладиган ер майдони бор-а, деб ўйлаб қолсан киши шу тобда. Аксарият кишилар бундан қўрқмай, "Биз меҳнаткаш халқимиз, ернинг эса қадрини яхши биламиз", деб жавоб беришади. Маълум маънода улар ҳақ. Лекин, кўпчилигимиз таваккали дехқонимиз. Ундан нари эмас. Ерга билган-билмаганимизча ишлов бериб, унга тўғри келган экинни экаверамиз, толган уругимизни сепамиз. Оқибатда ернинг тинка-мадори қуриди. У айтган ҳосилимизни бермайди. Ахир халқимиз "Ерни алдаган эл бўлмайди" деб бежиз айтмаган-да.

Ота-бобларимиз ҳам халқона пухта-пишқ дехқончилик илмига эга бўлишган. Бугун заминдан унумли ва кўп ҳосил йиғиштириб олиш учун, ҳеч шубҳасиз, илм, тажриба керак. Энди чинакам дехқон, ишбилармон ўз хунарларини кўрсатишлари шарт. Ахир, бундан замон талаб қиляпти. Жаҳоннинг қишлоқ хўжалиғи ривожланган кўплаб мамлакатларида ер майдонларига 10-15 йилдан кейин қандай экинлар экилишини режалаштириб олишади. Шундай қилинганда мақсадга эришиш анча осонлашади. Ўзбекистонда ҳам пахта, галпа ва бошқа экинлар экиладиган ер майдонларининг унумдорлигини ошириб бориш учун пухта режа асосида иш олиб боришга тўғри келади. Сирдарё вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ходимлари биз юқорида фикр юритаётган талаблардан келиб чиққан ҳолда иш олиб боришмоқда.

- Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарори ижросини таъминлаш борида аниқ чора-тадбирлар белгиланди, - дея сўхбатга қўшилди Сирдарё вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати бошлиғи Олимжон Махоров. - Барча бўлимларни сўнгги русумдаги замонавий геодезик асбоблар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирда бизда битта электрон тахометр, ун иккита комплекст мензула, теодолит ва нивелирлар мавжуд. Жорий йилнинг ўтган даврида 38,3 миллион сўмлик кадастр ишлари бажарилди. Ниятимиз битта. У ҳам бўлса миқозларга намунали хизмат кўрсатиши.

Улўгбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



Қотил кимлигини билади

Қирғизистон парламенти депутаты, март ойларида бўлиб ўтган инқилоб етакчиларидан Бааман Эркинбоев ўз уйида ўлдириб кетилди. Дастлабки маълумотларга кўра, депутат "Макаров" русумли тўппончадан уч марта отиб ўлдирилган.

Республика бош вазири Феликс Кулов айтишича, У Эркинбоевнинг қотили ким эканлигини билади. Қотиллик содир этилишидан бир кун аввал Эркинбоев бош вази билан учрашиб унга суиқасд уюштирилганини ва агар шундай бўлган тақдирда бир шахснинг исми-шарифи эълон қилинишини Куловдан илтимос қилади. Кулов қидирув ишлари давомида ўша номаълум исм эълон қилинишини таъкидламоқда.

Бааман Эркинбоев Қирғизистоннинг энг йирик тадбиркор ва ишбилармон ёш сибсатдонларидан бўлиб, парламентга уч марта кетма-кет сайланган. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг апрел ойида ҳам Эркинбоев суиқасд уюштирилган эди.

"Рита" "Катрина"дан хавфли

АҚШ қирғоқларига яқинлашиб келаётган "Рита" довули табиий офатлар тарихидаги энг йирик довул бўлиши мумкин.

Америка миллий кузатиш марказининг хабарларига кўра, "Рита" довули шамолнинг тезлиги соатига 280 километрни ташкил этиб, Луизиана, Техас ва Оклахома штатининг шарқий ҳудудларига 60 сантиметрлик ёғин-гарчилик олиб келмоқда. Кузатиш марказининг директори Макс Мэйфилдининг таъкидлашича, "Рита", "Катрина" довулига қараганда йирик вайронгарчиликка олиб келиши мумкин. Техас ва Луизиана штатларида эвакуация ишлари олиб боришмоқда. Ҳозирга қадар бу ҳудудлардан 1 миллиондан зиёд аҳоли қўчирилган.



Улар шу йилнинг 18 сентябрида бўлиб ўтган парламент сайловлари сабабли мамлакатда юзага келган боши берк вазиятни муқоама қилишади.

Боши берк кўчадаги учрашув

Германия канцлери Герхард Шредер ва Христиан Демократлар иттифоқи бошлиғи Ангела Меркеллар юзма-юз учрашишга қарор қилишди.



Сайловларда бирорта номзод етарлича овоз ололмади мустиқил ҳукумат тузиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишган эди. Энг юқори овоз тўплаган Ангела Меркел ва Герхард Шредерларнинг коалиция тузиб, ҳукуматни бошқаришлари гумонлиғича қолмоқда. Шредер ХДИ лидери Меркел билан иттифоқчи бўлишдан бош тортимоқда. Бўлиб ўтмиш кутилаётган учрашууда ушбу масалаларга ойдинлик киритилади.

Украинада янги бош вазир

Украина президенти Виктор Юшенконинг мамлакат парламенти Олий Рададан Юрий Ехануровни бош вазир этиб сайлаш тўғрисидаги қақирқиқлари инобатга олинди.

Бундан бир неча кун илгари парламент президент тавсия этган Ехануров номзодини рад этган эди. Бироқ бу гал мамлакат парламенти Ехануровнинг номзодини тасдиқлади. Парламентнинг 28 нафар депутати унинг учун овоз бердиши. Юрий Ехануров собиқ бош вазир Юлия Тимошенко 8 сентябр кунги ўз лавозимидан четлатилгандан сўнг президент томонидан бош вазир вазифасини бажарувчи этиб тайинланган эди.

Басрада Британия чорраҳаси

Британия харбийлари икки нафар инглиз аскарларини озод этиш учун Ироқнинг Басра шаҳридаги полиция маҳкамасини штурм қилишди.


Бундан мақсад инглиз аскарларини озод этиш ва энг муҳими ироқлик полиция ходимларининг нимга қодир эканликларини синаш эди. Чунки айнан уларни Буюк Британия харбий мутахассислари жанговар тайёрларикдан ўтказишган. Натиха эса харбийларнинг айтишича даҳшатли бўлди.

Гал шундаки, бундан 4 кун аввал икки инглиз аскарини Басра полицияси маълум сабабларга кўра маҳкамга олиб бориб, қамаб қўйишди. Инглиз қўмондонлари аскарларнинг топширилишини полициядан сўрашади. Бироқ улар буни рад этишади. Шундан сўнг инглиз харбийлари жангириллар каби қийиниб, полиция маҳкамасини ишғол этишади ва инглиз аскарларини улардан талаб қилишади. Басра полицияси эса "жангириллар" талабини қондиришади.

Гриппнинг бардоши кучаймоқда

Гриппнинг H2N3 гуруҳига мансуб 9 мингдан зиёд тури мутацияланиб, дорилар таъсирини бардоши бўлиб бормоқда.

Американинг касалликлар назорати ва тадқиқоти Маркази мутахассислари ана шундай хулосага келишмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатганки, H2N3 гриппига қарши нотўғри кураш олиб борилиши натижасида бу касаллик вируслари антигриппларга қарши чидамли бўлиб бораверган. Тадқиқотларда қўлланган вируслар олимлар томонидан сайёрамизнинг турли чеккаларидан тўплаб келинган.



INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Меҳнатга яраша рағбат

Айни кунларда юртимизнинг қайси ҳудудида борман, пахта йиғим-терими авж палласига кирганини кўрасиз. Йил - ўн икки ой дехқон пешона тер тўкиб етиштирган ҳосилни нест-нобуд қилмай, ёгин-сочинли кунларга қолдирмай териб олишга интилимқода.

Чиноз туманида бўлганимизда пахтакорлар ҳечрасида ва шижоатида ҳам шундай масъулият ҳиссини кўрдик. Бунинг боиси "оқ олтин" хирмонларига муносиб улуш қўйиш ва шунинг баробарида меҳнатдан келадиган даромадга эгаллик тўғрисида. Қолаверса чинозлик пахтакорлар бир неча йиллардан буён пойтахт вилоятида пешқадамликни кўздан бермай келишаётди.

Утган йили зиммамиздаги давлатга пахта сотиш шартномавий режамизни 14 иш кунинида удалагандик. Меҳнатимизга яраша даромадимиз ҳам яхши бўлди. Хўжалигимиз ўтган йилги ишлаб чиқариш якуналари бўйича 81 миллион сўм соф даромад қилганди. - дейди "Эшонобод" ширкат хўжалиғи бошқаруви раиси Кенбой Қўққузов. - Бу йилдан умидимиз янада катта - 10 иш кунинида шартномавий режани удалади. 400 гектар пахтазорнинг ҳосилини минг тоннадан оширмоқчимиз. Пировазда соф даромадимиз 150 миллион сўм атрофида бўлади.

Ширкат хўжалиғи аъзоларининг қувончи чексиз. Барча қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш бўйича режалар ортиси билан удаланмоқда. Дехқонларнинг омбори донга тўлди. Хўжалик сардорининг меҳнатда қўлга киритган ютуқлари муносиб баҳоланиб, "Дўстлик" ордени билан тақ-



ИНТИЛИШ

дирланди. Хурсандчилик қўшлақ келади, деганларидек вилоятда мунтазам биринчилардан бўлиб шартномавий режаларини бажариб келаётган хўжалик "Матиз" автомашинаси билан муқофоланди.

28 та фермер хўжалиқлари ва 61 та оила пудратчиларининг бошини қовуштириб йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириб келаётган Кенбой ога билан хайрлашаётимиз, "Бу йилги меҳнатларингиз янада унумли бўлсин", дедик.

Туманининг "Дўстлик" ширкат хўжалиғида ҳам бугун катта-кичикни фақат пахта даласидан топшириш мумкин. Хўжалик аъзолари етиштирган ҳосилни кўриб, кўзингиз қувонади.

385 гектар ерда пахта етиштирдик. 971 тонна ҳосил олишни режалаштирганмиз, - дейди биз билан сўхбатда "Дўстлик" ширкат хўжалиғи бошқаруви раиси Абдусамат Акрамов. - Хар килограмм уруғлик пахта учун 45 сўмдан ҳақ тўлаямиз. Қуриб турганингиздек хашарчилар учун дала бошида иссиқ овқат ташкил этилиб, бошқа зарур шарт-шар-

роитлар яратилган. Хўжалик пахтакорларининг қайдиғи билади. Чунки қилган меҳнатлари бесамар кетмади. Қутилгандан ҳам зиёда ҳосил етиштирилди. Энди фойдаси ҳам ўзлариники. Яхши даромад олишса, турмушлари янада фаровон бўлади. Тўй қилишади, янги уйлар қуришади.

А.Навоий номли ширкат хўжалиғи далаларига етиб келганимизда қуёш аллақачон уфқ орқасига яшириниб улгурганди. Шундай бўлса-да, теримчиларни урдатдик.

Кунига хар бир теримчи ўртача 70 килограммдан пахта теряпти, - дейди хўжалик бошқаруви раиси Мирзаодил Акрамов. - 292 гектар пахтазордан 32 центнердан хирмон кўтаришга бел болганмиз. Теримчилар хар кун иш якунида терган пахталарни учун ҳақ олишмоқда.

Тумандаги бошқа хўжалик дехқонлари ҳам хар дақиқани ганимат билиб, эл бойлиғи бўлган пахтани тезроқ йиғиштириб олишга интилимқода.

Ханифа ШАМШИЕВА



Advertisement for 'Халқ Банки' (Halq Bank) and 'Фаровон' (Farovon) loans. It features images of banknotes and text describing loan terms and interest rates. Key text includes: 'Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири', 'Халқ Банки', 'Мижозларга 20 га яқин, шу жумладан янги, жозибадор "Фаровон", "Маржон" омонат турларини таклиф этади.', 'Фаровон', 'Маржон', 'қисқа муддатли, сақлаш муддати 3 ой, даромад миқдори йиллик 35% ҳисобида, бошланғич бадал 100 000 сўм.', 'Маржон', 'қисқа муддатли, сақлаш муддати 6 ой, даромад миқдори йиллик 32% ҳисобида, бошланғич бадал 50 000 сўм.', 'Омонатларга пул маблағлари Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.', 'ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!'.



“Меҳржон” – эзгулик тимсоли

(Боши 1-бетда)

Чунки бу тадбирларни ташкиллаштиришда Республика Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” жағмамаси, республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Экосан”, “Олтин мерос”, “Нуроний”, “Наврўз” жағмамалари, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси каби бир неча нуфузли жамоат ташкилотлари ўз саъй-ҳаракатларини бirlаштирганлар.

–Меҳржон қадимда қандай нишонланган, унинг

тида келтирилади. Аждодларимиз табиатда юз берадиган ўзгаришларни уларнинг айни кунати билан ҳаққонлик билан байрамлар ўтказишган. Табиат уйғонгани, далада экин-тикин ишлари бошлангани Наврўз билан боғланган, кузда ҳосил йиғилиби, ўсимлик дунёсининг ўсишдан тўхтатиши Меҳржон байрамида ўз аксини топган. Буюк аллома Абу Райҳон Беруний “Қадимки халқлардан қолган ёдгорликлар” номи асаридан Турон, Эрон, Рим ва Афғонистон халқлари урф-одатлари, байрамлари ҳақида жуда қimmatли маълумотлар келтирибди. Унда бу байрам ҳақида, жумладан, шундай дейилган:

*Кўш ва Ой фалагининг
Икки кўзи бўлганидек,
Наврўз ва Меҳржон
Замоннинг икки кўзидир.*

Бу икки байрам баҳорги ва кўзги туну кун тенглашган пайтга тўри келади. Демак, ерга уруғ қадаш мавсуми баҳорги туну кун тенглиги – 22 мартдан 23 мартга ўтар кечадан бошланган бўлса, кузда ҳосил йиғиш фасли эса мей

ли замонавий, давр руҳига мос ва ҳос бўлиши табиий.

24 сентябр кун пайтахти-мизнинг Фағур Гулом номидаги истироҳат боғида ўтади катта сайл ўрмиши вилоятларидаги тадбирларга уланган кетди Халқ сайллари кўри-нишида ташкил этилиб, мева-сабзавотлар, дон маҳсулотлари, умуман, олтин кўз нўматлари кўргазма-савдолари уюштирилди. Юртдошларимиз кўплаб қичиқ сахналарда турли фольклор-этнографик,

миллий- ижодий гуруҳлар ижросидаги концертлар, театрлашган томошалардан баҳраманд бўладилар. Шунингдек, кўргазма-савдога миллий хўнарамд усталар осоган буюмлар ҳам қўйлади. Спортчиларнинг чиқишлари, турли қизиқарли мусобақалар сайлга янада файз бағишлаши шубҳасиз.

Айни кунларда юртимизда пишиқчилик мавсуми, йиғим-терим ишлари авжида. Шу боис ҳар бир ҳудуд ўз шароитидан келиб чиқиб, Меҳржонни бир ой давомида нишонлаши мумкин.

Ушбу тадбирлардан ҳамюртларимизни баҳардор этишда оммавий ахборот воситалари фаоллик кўрсатадилар деган фикрдамыз.

Шунингдек, таъкидлашнинг истаридики, биз Меҳржонни фақат қадимий байрам бўлгани учунгина эмас, унинг мазмун-моҳияти бугунги давр талабига ҳамоханлиги, инсонпарварлик, меҳр-муруват ва саховат каби фазилатларнинг кишиларимиз қалбига янада чуқурроқ индиш отишига омил бўлгани учун ҳам нишонлашимиз айни муддодир.

“Меҳржон” биз учун бамисоли мозий қаридан таралган нур қабидир.

У коинотни, табиатни чуқурроқ англашга, у билан ҳамнафас бўлишга ундайди кишини. Меҳржон аждодларимиз сингари она Ватанини ардоқлашга, деҳқон меҳнатини эъзозлашга, раҳм-шафқат, саховат, меҳр-муруватга даъват этади. Бизлар ва келажак авлод учун ҳам Меҳржон шундай қадрият бўлиб қолади.

–Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!
Д.МАТКАРИМОВА
суҳбатлашди.



Мураббий ўзгарди

Футбол бўйича олий лигалик пешқадамларидан бири бўлган “Насаф” бош мураббийсиз қолди. Ўзбекистон Футбол Федерацияси Ахборот-таҳлил бўлими “Насаф” клуби бош мураббийи Олег Морозов ўз лавозимидан озод этилганлигини билдирди.

Бунга “Насаф” жамоасининг кейинги мағлубиятлари сабаб бўлди. Турнир пешқадами бўлиб келатган “Насаф” кетма-кет “Тўпаланг” ва “Трактор” жамоаларига ўйинлари бий берди. Бу ҳолатдан ранжиган клуб раҳбарияти Олег Морозов ўрнига унинг ёрдამчиси бўлиб ишлаб келатган Зоир

Михаил Игнатъев – чемпион

Россиялик велосиподчи Михаил Игнатъев Мадридда бошланган 23 ёшдан катта бўлмаганлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида голибликни қўлга киритди.

У украинлик рақиби Дмитрий Грабовскийдан 34 сония олдин маррага етиб келди.



Кличколарга таҳдид

Нью-Йоркнинг “Голливуд сайёраси” ресторанида оғир вазили боксчилар Владимир Кличко ва нигериялик Самуэль Питер ўртасида бўладиган жанг олдиндан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Журналистлар билан учрашган Владимир Кличко ўзи ва рақибининг жисмоний ҳамада руҳий ҳолатлари жангга шай эканлигини ай-

Мусобақадан четлаштирилди

Оғир атлетика бўйича Халқаро Федерация турк оғир атлетикачиларини 15 ноябрда Қатарда бошланадиган халқаро мусобақалардан четлаштирди. Ушбу масалани суд хайъати ўйинлар ўтаётган вақтда қўриб чиқади.

Халқаро Антидопинг агентлиги вакиллари турк спортчилари мажбур қилаётган



Крамникни енгишолмади

Жаҳон чемпиони Владимир Крамник Испаниянинг “Chess 21” Интернет тармоғи орқали бирданга 8 та шохмат тахтасида бахс уюштирди. Унинг жараёнида у Парижнинг NAO клубида эди, кейинги пайтда Крамник ушбу клуб шарафини ҳимоя қилмоқда.

Ўтказилган ўйинларнинг 6 тасида Владимир Крамник голиб чиқди. Иккитасида эса томонлар дуран натижага келишдилар. Рақибларнинг номлари номаълумлиги қолди, чунки улар интернет тармоғида кенг қўлланиладиган тахалуус (nickname)лардан фойдаланишди.

Ўйин тугагандан сўнг Владимир Крамник

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

автомобиллар ва кишлққ ҳўжалиғи техникаси учун куйидағи корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдағи

ШИНАЛАРНИ

comagu:

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОГИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, КИШЛҚҚ ҲўЖАЛИғИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Тел.: (99871) 137-1061, 137-2076, 137-2084, 3346421

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

Улғуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:

Наманган ш. Дўстлик шохўқчиси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш. Мирпўстин к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш. Тошкент к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш. Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

2005 йил – “Сихат-саломатлик йили”



Қариндошлар қатнашади

–Аваллари, туғилган чақалоқни бир кеча-кундузда онага кўрсатишмас эди. Бу гал... ёнимда далда бериб туришган қайнонам ва опанинг ширин гапларидан мадақ олгандай тегизна кўзим ёрди. Шу захоти чақалоқ ҳам қўлимга беришди...

Бу туғруқхоналарда янги амал қилаётган фойдали қоидалардан мамнун ёш она Лопазоннинг сўзларидир.

–Уч йилдирки, туғруқхонанинг бош доясиман, – дейди Навоий вилояти туғруқхона мажмуасининг бош дояси Нияра Абляимова. – Очиги, ҳамкорликда туғруқчи олиб бориш, бу ҳомиладор аёлга мадад бериш, демекдир. Она-бола кеча-кундуз бирга. Гудак табиий талабга кўра озиклантирилади. Бу эса чақалоқларда киндик, кўз ва айрим физиологик касалликлар учрашининг олдини оляпти. Оналарда кўкрак беши яллиғлашишига барҳам берилади. Яна бир ижодий томони шундаки, мажмуа қошидаги бехатар оналик марказида туғруқ жараёнида кўржу ва қон кетиш ҳоллари учрамайтти.

–Фарзанднинг меҳр-оқибати бўлиб ўсишида бундай омилларнинг таъсири бўлиши мумкинми? – сўрайман шифкордан.

–Албатта, айниқса, оналар фарзандларини бир ярим-икки йил кўкрак сuti билан ўстирса, бола онага янада меҳрли бўлади.

Мажмуанинг давлолаш ишлари бўйича ўринбосари, олий тоифали акушер-гинеколог Мухаббат Меликулова туғруқхонада амалга ошириляётган ибратли ишлар ҳақида сўзлади:

–Туғруқхона мажмуаси 2002 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан болага дўстона муносабатда бўлган шифохона, деб топилганди.

Бу ерда ҳар йили 2400-2600 туғруқ ҳолатининг 85 фоизида ҳамкорликдаги туғруқ кўзатилади. Фақат реанимация бўлимида бу жараён алоҳида кўчади.

Шифохонада бехатар оналик дастури асосида икки йилдан бери иш олиб бориляпти. 2004 йил декабрида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиғи томонидан ушбу мажмуа болага дўстона муносабатда бўлган шифохона, деб қайта рўйхатга олингани ҳам бежиз эмас.

Туғруқхона мажмуасида бехатар оналик таркиби ташкил этилган. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган тиббиёт ходимларига ҳамкорликдаги туғруқ, болани кўкрак сuti билан боқиб афзалликлари мавзусида ўқув-семинарлари ташкил этиляпти.

Семинарларда республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий ходимлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан АКШ, Швейцария, Япониядан келган малакали мутахассисларга вилоят туғруқхона мажмуасидаги тренерлар машғулот ўтказишади.

1999 йилда мажмуа учун Япония гранти асосида 150 миң АКШ доллари миқдоридаги маблағга зарур тиббиёт асбоб-ускуналари харид қилинди. Утган йили “Бехатар оналик маркази” халқаро лойиҳа асосида қайта жиҳозланди, яна 145 миң АКШ долларига тенг тиббиёт ускуналари келтирилди.

–Туғруқда қариндошларнинг қатнашиши тажрибасини Фарона, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятидаги доялар ҳам ўрганишмоқда. Оналарда дори-дармонга у қадар зарурат туғилмаслиги, чақалоқларнинг соғлом бўлишида мажмуа тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракати, меҳнати бор, – дейди олий тоифали акушер-гинеколог, бош ҳаким Гулом Аслонов.

Қўлланиляётган янги тажрибалар эса халқимизнинг она билан бола – гул билан лола, деган ажойиб нақлини эслатади.

Хамдам ЭШОНКУЛОВ,
“Кишлққ ҳаёти” муҳбири.

Кўнгилларни нурафшон этар

Жамиятимизда ижтимоий ҳимояга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор берилади. Зеро, ҳар бир фуқарога гамхўрлик кўрсатиш, меҳнатга лаёқатсиз кишиларга нафақа тайинлаш, кексалар ҳолидан хабар олишдек савобли ишлар доимо давлатимиз диққат марказида бўлиб келмоқда.

Жиззах вилояти Зомин тумани Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги “Сихат-саломатлик йили дастури тўғрисида”ги 30-сонли қарори ижросини таъминлаш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ишчи гуруҳи аъзолари томонидан изчил амалга ошириляпти.

Туманда кексалик нафақаси билан таъминланганлар 8200, меҳнатга лаёқатсизлар 3100, болалиқдан тўғма ногиронлар 1366 нафарни ташкил этади. “Сихат-саломатлик йили”нинг ўтган даврида 20 нафар пенсиянер ва ногиронлар соғлиқларини тиклашлари учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиғи тизимидagi сихатгоҳларга йўллана олдилар. Ортопедияга муҳтож 5 нафар ногирон болаларга протез маҳсулотларини олишлари учун йўлланма – талон берилиди, 6 киши эса шифоотроқларга аравачаси, 6 киши эса шифоотроқларга аравачаси билан таъминланди.

Жиззах вилояти ҳокимлиғи кекса отахонлар, бева-бечоралар, ота-онасидан айрилганлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдэм бериш каби савобли ишларга доимий равишда эътиборимизни

Жиззах вилояти Зомин тумани Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги “Сихат-саломатлик йили дастури тўғрисида”ги 30-сонли қарори ижросини таъминлаш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ишчи гуруҳи аъзолари томонидан изчил амалга ошириляпти.

қаратиб келмоқда. Зомин туманида 100 ёшдан ошган табарруқ отахон ва онахонлар 7 нафарни ташкил этади. Яқинда уларнинг яшаш жойларига борилиб, турли совғасалар тўғрисида эътибор берилди. Уларни мактаб формалари, дарсликлар билан таъминлаш учун хомий ташкилотлар бириктирилди. Гуломжон Душабов, Равадан Хонимкулов, Фуқрат Жумамов, Марварид Сайдалиева каби ходимларимиз халқимизга сидиқлик хизмат кўрсатишмоқда. Зиммаларидаги вазифаларини муҳаббат билан адо этишлари уларнинг ва меҳр билан хизмат кўрсатган инсонларнинг кўнгилларини нурафшон этмоқда.

Роҳила ХАЙРАУЛАЕВА,
Зомин тумани Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи.

“Шарбат”да чўмилган одам

Лафайетт шаҳри (АҚШ) дорилфунуни толиби Рид Хауэлл дунёга донг таратишни орзу қиларди. Унинг шуҳратга эришиши йўли томатли сардак тўлдирилган обзан (ванна) орқали амалга ошди. Рид ўн етти соат мобайнида ушбу ваннада ўтириб, ўз “муваффақиятини” жаҳон рекорди деб эълон қилган.

Табиатда “тузланади”

Манбаларда ёритилишича, АҚШдаги Калифорния дорилфунунининг илмий ходими Д.Раш Галапагос оролларида табиий ҳолда ўсувчи помидорни маданий равишда етиштирилувчи помидорга қатиштириш билан янги, антика навар яратган. Бу навар помидор ҳосили гўё тузлангандек хушхўр, хуштаъм мазага эга бўлган. Ўсимлик устида олиб борилган тажрибалардан маълум бўлишича, бу навар помидорда яна бир ажойиб хислат мавжуд экан. Уни тақир, қумлик жойларда ҳам ўстириш мумкин бўлиб, денгиз суви билан ҳам суғорса бўлади.

Баҳайбат сабзи...

Франциянинг Гавр шаҳрида фаройиб воқеа содир бўлди. Зиратчилик билан шуғулланган соҳибқорнинг ўзи экиб парвартирилган зилардан бирини дан сўғуриб олишга етмади. У тулқанча қавлама сабзининг туби кўринмас эди. Ниҳоят, кўпчилик ёрдэмдан кўчириб олинган сабзининг наҳангдек қатлиғини кўрганлар хайратдан ёқаларини ушлаб қолдилар. “Баҳайбат” сабзи беш килограмдан ортиқ чиқди.

Улқан қулупнай...

Биз суюб истеъмол қиладиган қулупнай навлари Колумбияда етиштирилган қулупнайларга таққосланганда

НАБОТОТ

увоққина кўринади. Богота шаҳри бозорларида пешталарга қўйилиб сотиляётган қулупнайларни кўрсангиз, хайратдан ёқа ушлайсиз. Ҳар бир қулупнай донаси товуқ туҳумидек келади. Маҳаллий аҳоли бу қулупнайлардан тизма дурдоналар тайёрлаб, раста пештоқларига илиб қўядилар. Харидорлар қулупнайни тортиб олмасдан, ўлачида “фуг” ва “ярд”лаб харид қиладилар.

Маннон ТАЙБИЕВ
тайёрлади.

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АХМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фағур ШЕРМУХАММАД.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агротехнопарки комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият – 133-95-17, Реклама ва эълонлар – 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс – 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:
Қорғалозистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган – 8-369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: М.АБДУСАМАНОВ
Саҳифаловчи: Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ
Маҳсулотчи: М. БЕКИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба (“Ҳаёт”-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-719, ҳажми 2 босята табоқ.

Офсет усулида босилди, қроғз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга таширилди: Адади - 9709

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5